O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 5 март ЧОРШАНБА

№ 18 (12.029)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ;

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2008 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М. Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2008 йил 3 март.

ҲАШАР КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТДИ

БАРҚАРОР экологик вазиятни таъминлаш мақсадида ўтказилаётган «Экология ва саломатлик кунлари»нинг Наврўз байрами ҳамда Ёшлар йилига бағишланган 1-босқич тадбирлари доирасида ўтказилган умумреспублика ҳашарида юртимизнинг барча корхона, муассаса ва ташкилотлари, ўқув муассасалари, аҳоли яшаш жойларида ҳудудларни тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, саноат ускуналарининг техник ҳолатини яхшилаш ва бошқа профилактик ишлар амалга оширилди.

Ҳашарлардан бири Тошкентдаги Ботаника боғи ҳудудида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, фан, адабиёт ва санъат намоёндалари, шунингдек, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Вилоят бўйича 1,1 миллион киши экологик ҳашарда фаол қатнашди. Барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда, фермер хўжаликлари далаларида умумхалқ ҳашари уюшқоқлик билан давом этди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари давомида минглаб туп мевали ва манзарали дарахт ва гул кўчатлари экилди, янги боғ ва гулзорлар барпо этилди. Экин майдонларидаги суғориш шахобчалари тозаланиб, тартибга келтирилди.

Ҳашар натижаларига кўра «Экосан» халқаро ташкилотининг вилоят филиали ҳисоб рақамига 21 миллион сўм маблағ ўтказилди.

Хуррият МЎМИНОВА.

ТАРҒИБОТЧИЛАР ТАНЛОВИ

МАЪНАВИЙ-маърифий соҳаларда ислоҳотларни изчил олиб бориш, фуқароларимиз, айниқса, ёшлар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлашга доир ишлар ўз самарасини бермоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга оид қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Илк бор ташкил этилган "Энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танлови Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги илғор иш тажрибасига эга, моҳир маънавият тарғиботчиларини аниқлаш, ибратли фаолиятини тарғиб ва ташвиқ этиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини берди.

Танловда биринчи ўринга Самарқанд вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг проректори Комил Ҳайдаров, Наманган вилоятидаги Чортоқ тиббиёт коллежи директорининг ўринбосари Мавлуда Мамажонова, Янгийўл технология касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари Соли Бойматов лойиқ топилди.

ЎзА.



ДОНИ ТЎКИННИНГ НОНИ БУТУН

Шартнома режаларида белгиланган миқдорда бошоқли дон етиштириш учун ғаллани озиқлантириш ва парваришлашда ҳал қилувчи дамлар бошланди

Бугуннинг гапи

Ғалла – халқимизнинг асосий ризқ-рўзи. Зеро, омборида дони бор хонадоннинг дастурхонида доимо нони бўлади. Нон – тирикчиликнинг боши, инсон учун энг олий неъмат. У тўқликнинг, тўкинлик ва фаровонликнинг асоси.

Бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ҳар жиҳатдан амалий қўллаб-қувватлаши остида бошланган ғалла мустақиллиги учун кураш замирида ана шундай чуқур маъно ва эзгу мақсад бор эди. Бу узоқни кўзлаб, халқ манфаатини ўйлаб қилинган хайрли иш эканлигини мустақиллик йилларидаги ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Эндиликда бошоқли дон халқ учун энг керакли, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун эса, энг даромадли экин турига айланди.

Бугун маҳаллий ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларини кузатган киши жаҳон бозорларида ғалланинг нархи, дон маҳсулотларининг баҳоси тобора ошиб бораётганидан хабардор бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, республика Президентининг Ўзбекистонда ғалла мустақиллигини таъминлашга даъвати нақадар ҳаётий аҳамиятга эга эканлиги янада ойдинлашади

Бутун мамлакатда бўлганидек, Тошкент вилоятида ҳам ғалла майдонлари бошқа турдаги барча экин турларини талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, мутаносиб ва мақсадли жойлаштириш меъёрларига амал қилган ҳолда босқичма-босқич кенгайтириб борилди. Аммо, алоҳида таъкидлаш жоизки, ғалла мустақиллигига, аввало, майдонни кенгайтириш эмас, балки ҳосилдорликни ошириш орқали эришиш бош мақсад қилиб олинди. Натижада бугунги кунга келиб, вилоятимиз бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги бўйича мамлакатда етакчи ўринларга кўтарилди.

Вилоятимиз ғаллакорлари бу йил 115,5 минг гектар суғориладиган майдонда бошоқли дон экинларини парваришламоқдалар. Мақсад – камида 500 минг тонналик сара дон хирмонини бунёд этишдир. Бунга эришиш учун ғаллани биринчи озиқлантиришга жиддий ёндошилди. Жойларда 230 дан зиёд махсус гуруҳлар тузилиб, уларга 420 тага яқин ўғит сепадиган мосламалар бириктирилди ва кўрагича кимёвий озуқалар вақтида етказиб бериб турилди. Натижада, биринчи озиқлантириш мақбул муддатларда сифатли якунланди.

Бироқ, бу ҳамма ерда ғалла парвариши кўнгилдагидек боряпти, хотиржам бўлиш мумкин деган гап эмас. Негаки, мутахассисларнинг бевосита ғаллазорларда бўлиб, вазиятни ўрганиб, берган маълумотларига қараганда, бошоқли дон экинларининг бу йилги ривожи одатдагидан 30-40 кун орқада қолмоқда. Бундай ҳол ғаллачилик соҳасига алоқадор ҳар бир раҳбардан, мутахассису оддий меҳнаткашдан ҳушёр тортишни, масалага жиддий қарашни, экин ривожини имкони борича тезлаштириш учун қўшимча чораларни излаб топиб, ишга солишни талаб этади.

Ана шундай муҳим агротехник тадбирлардан бири ғалла майсаларига махсус тайёрланадиган суспензия озиқасини сепиш (барг орқали озиқлантириш)дир. Бу тадбирни уч марта такрорлаш, мутахассисларнинг фикрича, мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу мақсадлар учун 185 та махсус гуруҳлар тузилиб, улар ихтиёрига 350 дан зиёд ОВХ ва устунли пуркагичлар берилди, 450 дан зиёд механизаторлар жалб этилди. Фосфорли ўғитларнинг эришини тезлаштиришни кўзлаб, ҳар бирининг сиғими 200 литр бўлган 220 та махсус идиш тайрланди.

Иккинчи муҳим агротехник тадбир ғаллазорлар бошига имкон қадар кўпроқ маҳаллий ўғит чиқаришдир. Шуни ҳисобга олиб, вилоят ҳокимлигининг махсус қарори билан «Тошвилояторганика» давлат унитар корхонаси ташкил этилди ва у ўз фаолиятини бошлаб юборди. Ҳозиргача корхона ривожи айниқса паст бўлган ғалла майдонларига 1850 тоннадан кўпроқ товуқ гўнги чиқарди. Умуман, бугунгача дала бошларига чиқарилган маҳаллий ўғит қарийб 315 минг тоннага етди. Бироқ бу етарли эмас. Мақсадга эришиш учун яна камида шунча органик ўғит талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда гап 2008 йилги ғалла ҳосили тақдирини оқилона ҳал этиш ҳақида бораяпти. Бинобарин, ғалла ривожидаги кечикишни бартараф этиш учун бошланган саъй-ҳаракатлардан вилоятда яшаб, меҳнат қилаётган бирор фуқаро четда қолмаслиги керак.

Табиийки, 2008 йилги ғалла ҳосили учун курашда асосий оғирлик ва масъулият фермер хўжаликлари раҳбарлари ва аъзолари зиммасига тушади, албатта. Зеро, ғаллани меъёрида озиқлантириш, майдонларни бегона ўтлардан тозалаш, экинни қондириб суғориш, бунинг учун мавжуд ички ариқларни сув равон оқадиган қилиб тартибга келтириш, ҳосилни зараркунанда ҳашарот ва касалликлардан асраш биринчи ғалда уларнинг вазифасидир. Шундай экан, мутахассислар маслаҳати билан режалаштирилган барча чора-тадбирларни тўла амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларни ишга солишлари зарур.

Ғалланинг бугунги ҳолати соҳа мутахассисларидан ҳам хотиржамликка берилмасликни, аксинча, ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ масъулият ҳис этган ҳолда, беистисно, ҳар бир ғалла майдонини кўздан кечириб, экиннинг аҳволини обдон ўрганиб, бугун қандай агротехник чора-тадбирларни қўллаш зарурлиги хусусида фермерларга тўғри ва фойдали маслаҳатлар беришни, аниқ йўл-йўриқлар кўрсатишни талаб этаяпти. Демак, улар совуқдан кўпроқ зарар кўрган ғаллага қандай қўшимча ишлов бериш масаласига, айниқса, жиддий эътибор қаратишлари лозим.

Бугун барча таъминловчи ташкилот ҳамда сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ходимлари учун ҳам фермерлар билан ҳамкорликда алоҳида ғайрат билан ишлайдиган пайт. Фермер хўжаликларини керакли миқдордаги минерал ўғит ва айниқса, сифатли тайёрланган суспензия билан таъминлаш, мавжуд сувдан самарали фойдаланиш, энг муҳими, уни оқилона ва одилона тақсимлаш, сувталаб майдонларни биринчи ғалда таъминлаш уларнинг пайсалга солиб бўлмайдиган вазифаларидир.

Ҳозир фермер хўжаликлари МТП ва ММТПларнинг хизматига катта умид боғламоқдалар. Бу бежиз эмас. Чунки, минерал ва маҳаллий ўғитларни, суспензия эритмаларини дала бошларига вақтида етказиб беришда уларнинг техникалари жуда асқотади. Шу мақсадда қўшимча имкониятларни излаб топиш ва ишга солиш зарур.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фермер хўжаликларининг энг яқин кўмакдошларига айланишлари лозимлигини вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда. Ғаллазорларни бегона ўтлардан тозалаш, суғориш шахобчаларини тартибга келтириш, бу ишларга маҳаллий аҳолини ҳашар йўли билан жалб этиш, маҳаллий ўғит тўплаш, ғаллазорларни пайҳондан асрашда аҳолининг иштироки ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Халқимизнинг «Қари билганни пари билмас» деган ҳикматли сўзи бор. Зеро, ҳар бир кекса ғаллакорнинг бой амалий тажрибаси ўнлаб фермерларга малака мактаби вазифасини ўташи мумкин десак муболаға бўлмайди. Улар қаттиқ қишдан «қоқилиб» чиққан ғалланинг қаддини дадил ва адл ростлаб, ҳар йилгидек, мўл ҳосил тўплаши учун шу кунларда нималар қилиш зарурлиги ҳақида фермерларга оқилона маслаҳатлар бериб борсалар айни муддао бўлур эди.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятимиз ғаллазорларида ҳосил тақдири учун бошланган қизғин курашдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Ғалла парваришини бутун чоралар билан қучайтириш, шартнома режаларини қоплайдиган миқдорда бошоқли дон етиштиришга ўз ҳиссасини қўшиш ҳар бир қишлоқ меҳнат аҳлининг шарафли бурчидир.

СУРАТДА: (ўнгдан) Янгийўл туманидаги Ўткир Маҳмудов номидаги фермер хўжалиги аъзолари Олимжон Бектоев ва Холҳўжа Нурхўжаев ғалланинг биринчи озиқлантиришдан кейинги ҳолатини кўздан кечиришмоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

«Ташаббус – 2008»

МАҲОРАТ, ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ МАЙДОНИ

ЭРТАГА Чирчиқ шаҳар «Кимёгарлар» маданият саройида тадбиркорлар, фермерлар ҳамда ҳунармандлар ўртасида «Ташаббус – 2008» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтади.

Республика Президенти совғрини учун ташкил этилаётган танловни ҳар жиҳатдан намунали ўтказиш ва иштирокчиларни муносиб тақдирлаш учун вилоят «Тасвирий ойина» ва «Вилоятбозорсавдо» уюшмалари, «Ўзметкомбинат» ҳамда «Электрокимёсаноат» каби йирик корхоналар ўзларининг ҳомийлик ёрдамларини аяшмаяпти.

– Бу йилги танловда ёшларнинг фаоллик кўрсатаётганлигини кўриш мумкин, – дейди Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи Фарҳод Тошметов. – Уларда омилкор фермер, тадбиркор ҳамда қўли гул ҳунарманд бўлишга интилиш кучли.

Шуни инобатга олган ҳолда «Энг яхши ёш тадбиркор» номинацияси жорий қилинди.

Шунингдек, танлов Низомида «Энг яхши якка тартибдаги тадбиркор», «Энг яхши ҳомий тадбиркор» ҳамда «Тадбиркорларга энг яхши хизмат кўрсатган ахборот-маслаҳат маркази» каби қатор янги номинациялар ҳам жорий этилди.

Биз эртанги танловда қатнашишга жиддий тайёргарлик кўраётган иштирокчиларни суҳбатга тортдик:

– Фермер сифатида бу танловда биринчи марта қатнашмоқдаман, – дейди Ўртачирчиқ туманидаги «Мунис-Мадинабону» фермер хўжалиги раҳбари Муқаддас Ҳолиқова. – Танловнинг илк босқичида фаолиятим муносиб рағбатлантирилишига ишонардим. Лекин рақобат кучлилигини кўрибми, вилоят босқичига етиб келишга кўзим етмасди. Кўриб турибсизки, изланиш, фаоллик, қоларверса, яхши ният бўлса, барча эшиклар очилаверар экан.

– Ўзбекларнинг миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кимларни лол қолдирмаган дейсиз, – дейди паркентлик ҳунарманд Муҳаббат Аширбоева. – Бундай бежирим маҳсулотлар, айниқса, хорижлик саёҳатчиларнинг диққатини тортмай қўймайди. Мен ҳам кўп йиллардан буён миллий ҳунармандчилик намуналарини ясаб келмоқдаман. «Ташаббус» танлови чет элларда ҳам мен каби ҳунармандларнинг маҳсулотларини намойиш этишда мустаҳкам кўприк вазифасини ўтайди.

– «Энг яхши тадбиркор»... Мен бу сўзни танловнинг шаҳар босқичи саҳнасида эшитганимда юрагим орзиқиб кетганди. Чунки мен кўплар ичидан танланиб, шу шарафли номга сазовор бўлдим. Истардимки, ҳамма ҳам ўзи фаолият юритаётган жабҳада яхшиларнинг яхшиси бўлиб юрсин! – деди Олмалиқ шаҳридаги «Поёндоз» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси раҳбари Фарҳод Шарипов фахр билан.

Хуллас, эртага бўлиб ўтадиган «Ташаббус – 2008» кўрик-танловининг вилоят босқичига жиддий ҳозирлик кўрилган. Иштирокчиларнинг ҳар бирида қатъий ишонч ва ҳаракат бор. Уларни бу босқичда совринли ўринларни эгаллаб, республика танловига йўлланма олиш иштиёқи бирлаштириб турибди.

Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Миллий кино санъати кунлари

ТАРАДДУД

ВИЛОЯТДА жорий йилнинг 17-18 март кунлари ўзбек миллий кино санъати кунлари бўлиб ўтади. Мазкур тадбир "Ўзбеккино" миллий агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Кино санъати кунларига тайёргарлик кўриш ва унинг ўзига хос томонлари ҳақида мухбиримизга "Ўзбеккино" миллий агентлиги Тошкент вилояти бўлими раҳбари Асқар Эгамбердиев қуйидагиларни гапириб берди:

– Кейинги йилларда ўзбек миллий кино санъатида жадал ривожланиш жараёни кўзга ташланмоқда. Йилдан йилга яратилаётган бадиий, ҳужжатли фильмлар сони ва сифати ортиб боряпти. Мамлакатимиз, хусусан вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кинотеатрлар репертуарларида миллий кино асарларимиз салмоғи кескин кўпайганлиги, ихлосмандларнинг ижобий баҳолари фикримизнинг далилидир.

Киноижодкорларнинг ҳар йили шаҳар ва туманларда бўлиши, томошабинлар билан учрашув ва мулоқотлар ўтказилиши яхши анъанага айланиб қолган. Бу анъана Ёшлар йилида Тошкент вилоятидан бошланмоқда.

Вилоятда ўтказиладиган миллий кино санъати кунларида сўнгги йилларда яратилган 10 дан ортиқ энг сара бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилади. Киноижодкорлар маҳаллаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида, ўқув муассасаларида бўлиб, вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан таниша-дилар. Ўз мухлислари билан учрашувлар ўтказадилар. Ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этадилар.

Вилоятда кино байрами 17 март куни Ўртачирчиқ туманидаги Маънавият ва маърифат марказида очилади. Киноижодкорлар шу куни икки гуруҳга бўлиниб, Бўка ва Пскент туманларида бўлишади. Кейинги куни бу тадбир Бекобод шаҳри ва туманига кўчади. Тадбирнинг ёпилиши Бекобод шаҳрида бўлиб ўтади.

Мазкур режа кино байрамининг икки кунга мўлжалланганини англатмайди. Март ойи давомида вилоятда фаолият юритаётган барча кинотеатрларда миллий кино асарлари намойиш этилади.

Хуллас, Наврўз байрами арафасида вилоятимиз киноихлосмандларини ҳаяжонли учрашув ва мулоқотлар кутмоқда. Кўтаринки кайфиятда ўтказилиши мўлжалланаётган мазкур тадбир киночилар учун ўзига хос ҳисобот вазифасини ўтайди.

ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ҚУЛАЙЛИК

БЎКА туманидаги «Ровот» фермерлар уюшмаси ҳудудида 50 беморни қабул қилишга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилгач, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат тубдан яхшиланди.

Мижозларни қабул қилиш ҳамда муолажа хоналари замонавий тиббиёт асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Баҳорнинг дастлабки кунлариданоқ бу ерда ободонлаштириш, янги ниҳоллар ўтказиш, боғ ва гулзорлар барпо этиш бошлаб юборилди. Бу ишда қишлоқ аҳли ҳам ташаббус кўрсатмоқда.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ЯНГИ «ISUZU»ЛАР ҚАТНАЙ БОШЛАДИ

«ТОШВИЛТРАНСТЕРМИНАЛ» уюшмаси Самарқандда ишлаб чиқарилаётган «ISUZU» русумли микроавтобусларни етказиб бериш бўйича корхона билан шартнома имзолаган эди.

Шу кунга қадар уюшма таркибидаги корхоналарга юздан зиёд шундай замонавий транспорт воситалари келтирилди.

Навбатдаги 10 та микроавтобус Дўстобод автокорхонасига етказиб берилди. Ушбу автомобиллар ҳам корхонага қарашли тўртта йўналишда қатнай бошлади.

Рустам НЕЪМАТОВ.

«НУРОНИЙ» жамғармаси вилоят бўлими кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамғарма фаолиятининг 2007 йил якунлари сарҳисоб қилинди.

Йиғилишда жамғарма шаҳар ва туманлар бўлимлари раислари иштирок этди.

Таъкидланганидек, 2007 йил давомида асосий эътибор

ЎТГАН ЙИЛ САРҲИСОБИ

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда жамғарма ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларга қаратилди. Маҳаллий ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари, турли корхона ва муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаб, саломатликларини тиклашга ёрдам берилди.

Йиғилишда Ёшлар йили тадбирлар режаси белгилаб олинди. Жамғарма вилоят бўлимининг кенгаш ва раёсат аъзолари, ёшлар билан ишлаш ишчи гуруҳи таркиби сайланди.

«Фарзандларимизнинг яна ҳам яхши таълим-тарбияли ва одобли бўлиб етишишларини таъминлаш – бизнинг бурчимиздир».

Ислом КАРИМОВ.

СУРАТДА: Чиноз туманидаги 1-умумтаълим мактабидаги ўқитиш жараёнидан лавҳа.

Дастур ва ижро

«2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» вилоятимиз мактабларида изчил ва муваффақиятли амалга оширилмоқда.

МИЛЛИАРДЛАР БЕЖИЗ САРФЛАНМАЯПТИ

Мустақиллик йилларида таълим иши, ҳар томонлама баркамол янги авлод тарбияси чин маънода умумхалқ, умумдавлат ишига айланди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган йирик-йирик дастурлар амалга оширила бошланди. Бу режалар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларининг узвий давоми бўлди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун талаблари, мазкур дастурларда белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши натижасида мактабларимизнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, таълим-тарбия жараёнларида замонавий технологиялар тобора кенг ўрин эгалламоқда. Бугун шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, 2004-2007 йилларда вилоятимизда 224 минг 202 ўринли 433 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Дастур доирасидаги тадбирлар – эски бинолар ўрнида янги кўринишдаги замонавий мактаблар қурилиши, мукаммал таъмирлаш ишлари режа асосида давом эттирилмоқда. Бу ишларга маҳаллий ҳокимликлар, жисмоний шахслар, ҳомий ташкилотлар, фермер хўжаликлари 3,5 миллиард сўмга яқин маблағ ажратиб, катта ҳисса қўшишди.

Бу йилги режалар янада катта. Чунончи, янгидан қуриладиган ва тўлиқ қайта таъмирланадиган мактаблар учун 32,7 миллиард сўм маблағ сарфланмоқда.

Давлат умуммиллий дастури вазифаларининг иккинчи йўналиши – мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳам тобора изчил тус олмоқда. Шу мақсадлар учун сўнгги уч йилда 21,4 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Ўтган йили қайта жиҳозлаш дастурига киритилган 167 та умумтаълим мактаби мебеллар, лаборатория жиҳозлари, 111 та компьютерлаштирилган синф учун махсус мебеллар, спорт анжомлари билан таъминланди.

Учинчи йўналиш – давлат таълим андозаларини такомиллаштириш борасидаги ишларимиз ўқитиш жараёнлари самарадорлигини ошираяпти. Эндиликда ўқувчиларимизга янги дарсликлар асосида билим бериляпти. Фақат сўнгги бир йилда ўқувчилар 4,2 миллионга яқин дарсликлар олишди. Ўтган ўқув йилида тажриба-синов синфларидаги ўқувчиларнинг билим даражаси 86,9 фоизга кўтарилди. Улар турли фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этишаётир.

Булар – умумтаълим мактаблари педагогларининг малакаси йил сайин ошиб бораётганлиги, улар замонавий таълим услубларини тобора мукаммал эгаллаётганлари самарасидир. Бугун ўқувчиларга билим берайётган устозларнинг 67,8 фоизи олий, 6,7 фоизи тугалланмаган олий, қолганлари махсус маълумотга эга.

Айни пайтда мактабларимизда ишлаётган ўрта махсус маълумотли педагог ходимларни олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги пайтда 500 дан ортиқ ёш ўқитувчи шу тариқа ўз билим ва малакасини ошираяпти.

Маълумки, давлат умуммиллий дастурида ўқитувчилар малакасини ошириш, уларни касбий қайта тайёргарликдан ўтказишга янгича талаблар қўйилган. Шундан келиб чиқиб, эндиликда вилоятимизда малака оширишнинг яхлит ва самарали тизими яратилди. Шу асосда сўнгги йилларда 26 минг 296 педагог ходим қайта тайёргарликдан ўтиб, малака оширди. Ўтган йили 5100 дан кўпроқ ўқитувчи ва раҳбар ходим малака ошириш курсларида ўқитилди.

Айни пайтда таълим муассасаларимизда услубий хизмат тизими ҳам янгича асосларда иш юрита бошлади. Шаҳар ва туман услубият кабинетлари фаолиятини мақсадли йўналтиришга вилоят услубият марказининг таъсири кучайтирилди. Натижада, ўтган йилнинг ўзида юқори малакали устозлар томонидан 2500 дан зиёд қўлланма, тест тўпламлари, дарс ишланмалари ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Дарс машғулотларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этаётган 285 ўқитувчининг тажрибаси умумлаштирилиб, кенг оммалаштиришга киришилди.

Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришнинг янги тизимига ўтилди. Уч йилдирки, шу асосда иш олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда 893 та умумтаълим мактабида директор жамғармаси ташкил этилган. Ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқиб, ҳал қилишда махсус комиссиялар алоҳида ўрин тутаётир. Уларнинг таркибига ўқитувчилар, касаба қўмиталарининг аъзолари, ота-оналар ҳам киритилган.

Шуни айтиш кифояки, ўтган йили деярли ҳар иккинчи ўқитувчи ўз меҳнати учун устама ҳақ олди. Эндиликда касб маҳорати, синфдан ташқари ва тарбиявий ишлар учун бир йилда ўқитувчиларимизга 3 миллиард 314 миллион сўмга яқин устама ҳақ тўланаётир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда таълим соҳасига янгича талаблар қўйилиб, уларга мутаносиб равишда янги авлод тарбиясининг ҳуқуқий ва моддий-техник асослари яратилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, давлат умуммиллий дастури ёш авлодни тарбиялаш, уларга пухта билим ва малака бериш, таълим тизимининг узвийлигини таъминлаб, ёш ходимларнинг мукаммал билимли, замонавий малакага эга янги авлодини вояга етказишда тобора катта аҳамият касб этаётир.

Юнусхон ШАРИПОВ,
вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

Эҳтиром

УЙҒУНЛИК

таълим-тарбия ишида муваффақият келтирувчи асосий омил

Халқимизда «Олим бўлмасанг ҳам одам бўл» деган нақл бор. Бу шунчаки айтилмаган. Зеро, инсонни тарбия камолга етказади. Шу боис, давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ёшлар тарбияси билан боғлиқ муҳим масалани кун тартибига қўйди. Чунончи, бугун ёшларимиз қандай қадриятлар сари интилмоқда? Қандай орзу-ният ва ўй-хаёллар билан яшамоқда? Биз бу масалаларга асло бефарқ қарай олмаймиз. Ота-она, устоз-мураббий, етакчи раҳбар сифатида бу жараённи четдан туриб кузатишга ҳаққимиз йўқ.

Қибрай туманидаги 18-умумтаълим мактабида ёшларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Мактаб, маҳалла, оила ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилганлиги таълим-тарбия жараёнига уйғунлик бағишламоқда. Она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Васила Маҳмудова бу хусусда шундай дейди:

– Бир ўқувчим бўларди, исми Мирсодиқ. Тарбияси оғир болалардан эди. Дарсларга келмасди, ёмон болалар сафига қўшилиб кетганди. Табиийки, бу боланинг тарбиясига бефарқ қараб туролмадим. Синф раҳбари бўлганлигим учун эмас, балки, шу ўқувчининг келажагини ўйлаб, тарбияси билан жиддий шуғулланишга қарор қилдим. Маҳалла, оила, ҳаттоки, участка нозирларини ҳам тинч қўймадим. Хуллас, болани йўлга солиш учун барча имкониятларни қўлладим. Албатта, бу осон кечмади. Ниҳоят, Мирсодиқни ёмон йўлдан қайтаришга эришдим. У кўп ўтмай, интизомли ўқувчилар сафидан ўрин олди, мактабни муваффақиятли битирди. Орадан кўп сувлар оқиб ўтди. Бир куни тишим оғриб, туман марказидаги поликлиникага бордим. Шифокор тишимни кўриб, анча жиддий экан, малакали бир жарроҳимиз бор, ўшанга кўрсатинг, деб маслаҳат берди. Оғриқнинг зўрлигидан жарроҳнинг хонасига қандай кирганимни ҳам сезмадим. Шу пайт кимдир:

– Э, келинг, Васила опа. Бормисиз, ассалому алайкум, – деб сўрашди.

Қарасам, ўша, бир пайтлари мен ўқитган Мирсодиқ кулиб турибди. Биласизми, одам нимадандир қаттиқ ҳаяжонланганда танасидаги оғриқни ҳам сезмай қолар экан. Мирсодиқ мени кўрганидан хурсанд. «Устоз, яхшиямки сиз бор экансиз, агар ўша кезлари мени бу йўлдан қайтармаганингизда, билмадим, ҳаётим қандай кечарди. Ҳозир ўйласам тасаввуримга сиғдира олмайман. Мана, сиз туфайли ҳаётда ўз ўрнимни топдим. Сиздан миннатдорман», – дейди.

Мен бу ҳикоядан жуда таъсирландим. Қибрай туманидаги оддийгина мактабда 35 йилдан бери ўқувчиларга таълим-тарбия бериб келаётган бу устозга нисбатан меҳрим жўшиб кетди. Мактаб ҳаёти билан танишдим. Бугунги кунда 9 та фан тўгараги, шунингдек, мактабдан ташқари «Ёш математик», «Тил билган – эл билади», «Ёш рассом», «Орол – ўқувчилар нигоҳида» тўгаракларини фаолият кўрсатаяпти. Улар ўқувчилар бўш вақтларини фойдали ўтказишларида муҳим аҳамият касб этаётир.

– Тарбияси оғир болалар билан шуғулланиш яхши йўлга қўйилган, – дейди маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Дилбар Ёқубова. – Энди ўқувчилар билан ишлашнинг янги усулларига ўтишни замон талаб қилаяпти. Илгари ўқитувчи дарсда етакчи ўрин тутарди. Ҳозирги кунда ўқувчининг ўзи дарсни ҳам ташкил этади, ҳам олиб боради, ҳам етакчилик қилади. Ўқувчининг дарс жараёнида иштирок этишини рағбатлантириб бориш ҳар бир ўқитувчининг асосий мақсадига айланган. Бу борада Васила опа сингари тажрибали устозларнинг ўрни ниҳоятда муҳим. Назаримда, бундай устозларда инсон қалбига илиқлик бағишловчи ҳарорат бор. Истардикки, ўша ҳарорат ҳеч қачон сўнмасин.

Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ.

Таълим:

ИСЛОҲОТ ВА САМАРА

МАРОҚЛИ СУҲБАТЛАР

Бўка туманидаги 1-умумтаълим мактабида ўқувчиларни маънавий тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Малакали мутахассислар иштирокида «Ёшлар ва замон», «Огоҳлик – давр талаби», «Ўз ҳуқуқ ва бурчларингизни биласизми?» мавзуларида баҳс кечалари ва учрашувлар ўтказиляпти. Бу тарбиявий тадбирларни ташкил этишда Қандолат Турсунова (суратда чапдан иккинчи), Шарофиддин Жабборов, Бахтигул Холбоева сингари ўқитувчилар фаол иштирок этишаяпти. Маънавий тарбия ишлари ўқувчиларда билимларни пухта эгаллашга интилишни, ижтимоий фаолликни кучайтираётир.

Аҳмаджон ҚОДИРОВ.

Тажриба

ПЕДАГОГ САЛОҲИЯТИ

Бўстонлиқ туманидаги 1-умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг дарсларни чуқур ўзлаштиришларига замин яратмоқда

Ўтган ўқув йилида мактабимизни битирганларнинг 48 фоизи бугун мамлакатимиз, яқин ёки олис хорижий давлатларнинг олий ўқув юртларида билим олишни давом эттирмоқда.

Албатта, таълим савиясини бу даражага кўтариш ўз-ўзидан бўлганий ўқ. Бу педагог ходимларимиз малакасини ошириш, услубий ишларни кучайтириш, фан ойликлари, спартакиадалар, турли беллашувларни ташкил этиш самарасидир.

Биз «Таълим тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг учинчи босқичи вазифаларини амалга ошириш учун тинмай изланмоқдамиз. Дарс машғулотларини ноанъанавий тарзда ташкил этиш, янги педагогик технологиялардан оқилона фойдаланиш учун ўқитувчиларимизда изланиш, замонавий дарс услубларини эгаллашга иштиёқ кучаймоқда.

Фан ойликлари, очиқ дарслар илғор тажрибаларни кенгроқ ёйиш имконини бермоқда. Мактабимизда ташкил этилган компьютер синфидаги машғулотлар, ёш физиклар, ёш ўлкашунослар, «Қизиқарли география», «Ўйла, изла, топ» беллашувлари ўқувчиларимизда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Мактабимизда малакали педагоглар оз эмас. Айниқса, Патма Разова, Қуралай Исмоилова, Феруза Темишова, Сабуда Жолдасбоева, Омонгул Зуфарбекова, Зарифа Уралаина сингари тажрибали педагоглар ҳар бир машғулотни қизиқарли ва самарали ташкил этишга эришмоқдалар. Физика фани ўқитувчиси Феруза Темишова ўтган ўқув йилида «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик танловининг республика босқичида муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринни эгаллади.

Таълим-тарбия савиясини кўтаришга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бермоқда. Мактабимизни битириб чиққан кўпгина йигит-қизлар олий ўқув юртларида билим ва малака эгаллаб, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, фан ва маданиятни ривожлантиришга ҳисса қўшаётирлар.

Омонгелди МИРЗАҚУЛОВ,
мактаб директори.

Қисқа сатрларда

НАВБАТ – РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

Янгийўл шаҳридаги 15-умумтаълим мактабининг бошланғич таълим ўқитувчиси Сурайё Фозилова «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси – 2008» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб деб топилди. Қарийб 15 йилдан буён ўқувчиларга таълим-тарбия бериб келаётган бу моҳир педагог танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Фароғат ҚОСИМОВА.

ЕТАКЧИЛАР УЧУН СЕМИНАР

Зангиота туманидаги 25-умумтаълим мактабида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши томонидан ўқувчилар етакчилари учун ўқув-амалий семинар ташкил этилди.

Унда етакчининг ижтимоий фаоллиги, ташкилотчилик ишларининг хусусиятлари тўғрисида сўз борди. Шунингдек, 5-7-синфларда бўлиб ўтган очиқ дарслар кузатилиб, мактаб етакчиси фаолияти таҳлил қилинди.

Қобил МЎМИНЖОНОВ.

КОЛЛЕЖ БИЛАН ТАНИШУВ

Бекобод шаҳар техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди. Халқ таълими бўлими ҳамда коллеж маъмурияти ташкилотчилигида ўтган бу тадбирда мактабларнинг 9-синф ўқувчилари, ота-оналар иштирок этишди. Тадбир ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш ва коллеж фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилди.

Ўктам ИБРОҲИМОВ.



Юқоричирчиқ қурилиш-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигига эътибор кучайтирилмоқда. Ишлаб чиқариш таълими усталари ўз шогирдлари пухта амалий кўникмалар олишларига эришаётирлар.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) ишлаб чиқариш таълими устаси Дилфуза Мадиёрова (ўртада) тураржой қурилиш гуруҳи ўқувчиларини бинокорлик асослари билан таништираётир; (пастда) ишлаб чиқариш таълими устаси Даврон Холматов ўқувчилар билан қурилиш кранлари ва уларнинг қўлланиши юзасидан машғулот ўтказмоқда.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ ҳамда Даврон АҲМЕДОВ, Еркебой БОТИРОВ (суратлар) тайёрлашди.

Маънавий тарбия

ҚОБИЛ ФАРЗАНДЛАР КАМОЛ ТОПСИН

Кейинги йилларда коллежимизда эсда қоларли ибратли ишлар қилинди. Айниқса, ўқувчиларни Ватанга муҳаббат, халқимизнинг эзгу анъаналарига садоқат, меҳнатсеварлик, соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялашга эътиборни кучайтирдик.

Бу – шунчаки мақсадгина бўлиб қолмай, балки педагогик жамоамиз аъзолари хатти-ҳаракати, таълим-тарбия ишларимизнинг устувор йўналишига айланди. Қисқаси, бугун ҳар бир педагог машғулоти қайси мавзуда бўлмасин, бераётган билимини фарзандларимизнинг маънавий-ахлоқий камолотига хизмат қилишига қаратмоқда.

Айни пайтда дарсдан ташқари тарбиявий ишлар қўламини кенгайтириш асосий мақсадимизга айланди. Бугун биз ўқувчилар билан дарс ва ундан ташқари олиб бораётган тарбиявий ишларимизга жамоатчилик вакиллари, ота-оналар, шаҳар ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, ички ишлар бўлимлари ходимларини жалб қилаётирмиз. Бунда Ойша Боймуродова, Дилфуза Гаффорхонова, Сайдинисо Боймуродова, Дилбар Йўлдошева, Гулчирой Усмонова, Шаҳло Абдураҳмонова, Абдуқодир Усмоналиев, Алевтина Толенова, Шерали Ўроқов сингари ўқитувчи ва таълим усталарининг ташаббускорлиги муҳим ўрин тутмоқда. Натижада «Маҳорат – 2007», «Заковат» кўрик-танловлари ва касблар фестивалини муваффақиятли ўтказдик. Саидаҳон Саидолимова раҳбарлик қилаётган ўқув гуруҳи «Заковат» кўрик-танловларида ғолиб чиқди. Бу тадбирлар тарбияланувчиларимизни касбларни қунт билан эгаллашга рағбатлантирди.

Спорт – ўсмирларни маънавий-ахлоқий чиниқтириш жараёнининг таркибий қисми. Шу боис, коллежимизда ўқувчиларни турли спорт турлари билан шуғулланишга тобора кенг жалб қилмоқдамиз. Натижада, баскетбол, қўл тўпи, енгил атлетика, минифутбол, футбол жамоаларимиз шаҳар ва вилоят биринчиликларида муваффақиятли иштирок этишаётир. Коллежимиз ўқувчиларидан Гулчатой Жўраева, Яна Фазулянова, Елена Алёшина «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар. Эндиликда улар ҳудудий терма жамоалар таркибида йирик мусобақаларда иштирок этишаяпти.

Ёшларимиз дунёқарашини шакллантириш, уларда фаол ҳаётий нуқтаи назарни тарбиялаш ҳамиша диққат-марказимизда. Бу жиҳатдан ахборот-ресурс марказининг раҳбари Н. Ўсарова ташкил этган «ОИТС ва гиёҳвандлик – умр кушандаси» мавзусидаги «Қувноқлар ва зукколар» танловини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу беллашувда «Бахтиёр ёшлар» жамоаси биринчиликни эгаллади. Иншолар танлови ҳам йигит-қизларнинг маънавий дунёсини бойитяпти. Ўқувчилардан Наргиза Қўзиева, Нилуфар Тошқулова, Шаҳноза Пўлатованинг «Ёшлар – гиёҳвандликка қарши» мавзуидаги иншолари танловда энг юқори баҳоланди.

Албатта, ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш борасидаги ишлар ниҳоятда кенг кўламли, мураккаб. Шу сабабли, табиийки, педагогик жамоамизнинг бу борадаги фаолияти ҳар бир йўналишда муваффақиятли бораяпти, деб бўлмайди. Кўпинча яхши-яхши тадбирларни ўзимиз кутгандек, таъсирчан, мароқли ўтказа олмаяпмиз. Баъзан айрим режалар қоғозда қолиб кетаётир. Барча тўгаракларда ҳам машғулотлар сурункали юқори савияда ўтаяпти, дея олмаймиз. Айрим педагогларимизда маънавий тарбияга юзаки ёндашиш кайфияти ҳам йўқ эмас. Биз шу сингари камчиликларни бартараф қилиб, таълим-тарбия ишини бугунги кун талаблари даражасига кўтариш учун курашмоқдамиз. Мақсадимиз – ўқувчиларимиз пухта билим олсин, имон-эътиқодли бўлиб етишсин, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топсин.

Шавкат ДАДАМАТОВ,
Ангрен шаҳар маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари.

Яна тўловлар ҳақида

ОЛАРНИНГ БЕРАРИ БОР

Табиий газ – табиатнинг бебаҳо неъмати. Қолаверса, у эл-юрт бойлиги. Шу неъмат туфайли мушкулимиз осон, оғиримиз енгил. Шундай экан, бебаҳо зангори оловдан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш ҳар бир истеъмолчи, ҳар бир фуқаронинг кундалик иши, муқаддас бурчи бўлмоғи керак. Айни пайтда фойдаланилган газ ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш виждон амрига айланмоғи шарт. Чунки, газ таъминотида юз бераётган узилишлар, аввало, айрим истеъмолчиларнинг газ ҳақига хиёнат қилаётганлари оқибатидир.

Бугунги кунда Тошкент тумани газ таъминоти идораси ҳисобида турган мижозлар орасида қарздорлар оз эмас. Хусусан, ўтган 2007 йил давомида 457 фуқаро фойдаланилган табиий газ ҳақини ўз вақтида тўламагани боис қарздорлик 85 миллион 601 минг сўмга етди. Ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этганларнинг ҳужжатлари Зангиота туманлараро фуқаролик судига тақдим этилиб, ҳал қилув қарорлари ҳамда ижро варақалари чиқарилди. Суд ижро департаменти томонидан ушбу қарзларни ундиришга киришилди.

– Ишимизда газ ҳақини ундиришдан кўра ушбу халқ бойлигидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари бизни кўпроқ ташвишга солади, – деди туман газ идораси бош муҳандиси Музаффар Обидов. – Айрим жойларда кишилар газ танқислигидан қийналиб турган пайтда баъзиларнинг ўз манфаати йўлида газдан хўжасизларча фойдаланиши ноинсофликдан бошқа нарса эмас.

Раҳбарнинг куюнчаклик билан айтган гапларида жон бор. Ҳозирги кунда ҳамма тадбиркор ҳам ўз бизнесининг гуллаши учун ҳаракат қилади. Лекин ҳар қандай мақсадга халқ бойлигидан ўғринча фойдаланиш орқали эришишга уринаётган кишилар ҳақида нима дейиш мумкин? Ўзингиз ўйлаб кўринг, маҳаллангиздаги қайсидир қўшнингизнинг иссиқхонаси бор. У табиий газдан ноқонуний фойдаланиб, помидор ва бодринг етиштираяпти. Шу йўл орқали келаётган жарақ-жарақ пулдан кўзи чақнайди, коммунал хизмат ҳақи деганда эса, юраги ўйнайди. Унинг ўнлаб маҳалладошлари газ босими пасайиб кетганидан азият чекишади.

Ўтган йили туманда 443 та табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолати аниқланди. Шундан 176 таси иссиқхоналар билан боғлиқ бўлса, 259 таси аҳоли хонадонларида учраган қинғир хатти-ҳаракатлардир. Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларининг 8 тасида ҳам ана шундай қонунбузарликка йўл қўйилган. Оқибатда давлатга 97 миллион 698 минг сўм зарар етказилган. Булар юзасидан туман фуқаролик суди томонидан қарорлар чиқарилиб, зарарлар ундирилмоқда.

Ҳасанбой қишлоғи «Ёшлик» кўчасида яшовчи Зиёдилла Отахўжаев 1000 квадрат метр майдондаги иссиқхонасида помидор етиштириш учун табиий газ тармоғига резина шланг улаб, ноқонуний фойдаланган. Бунинг оқибатида тумангаз филиали манфаатларига 1 миллион 691 минг сўм зарар етказган.

Бошқа бир ҳасанбойлик фуқаро – Бахтиёр Аброров иссиқхонасида табиий газдан ноқонуний фойдалангани учун унга нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, 6 миллион 227 минг сўм ундирилди.

Масалбой қишлоғи, Қ. Одилов кўчаси, 62-уйда яшовчи Аваз Шамсиев гулдай ҳунари бўлатуриб, ноқонуний ишга қўл урди. У ўз хонадонида автомобилларни таъмирлаш учун устахона очиб, иш бошлади-ю, бунинг учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш кераклигини «унутиб» қўйди. Яна табиий газдан ноқонуний фойдаланиб, 1 миллион 150 минг 509 сўм зарар етказди.

Гулистон қишлоғида яшовчи Қўчқор Эгамбердиев худди шундай йўл билан давлатга 2 миллион 312 минг 944 сўм зарар келтирган. Бу маблағлар суд орқали ундирилди.

Ҳаётда ҳар бир нарсанинг меъёри бўлганидек, табиий газ ва электр қувватидан ўғринча фойдаланиш, ҳақини вақтида тўлашдан бўйин товлаш орқали қўни-қўшни, маҳалладошларни қийин аҳволга солиб қўйишнинг ҳам чегараси бўлмоғи керак. Зеро, газ ва электр таъминотида узилишларнинг бўлмаслиги, энг аввало, ҳар бир фуқаронинг бу табиий неъматлардан инсоф ва диёнат билан фойдаланишига боғлиқ.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

«Ёшларимиз қалбида соғлом ҳаёт тарзига интилишни, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини болалик пайтидан бошлаб шакллантириш зарур» деган эди Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида. Бунинг учун қандай муҳит зарур? Албатта, ватан ичра ватан ҳисобланмиш – оила, соғлом оила муҳити. Жамиятнинг ажралмас бўғини – оила муқаддаслиги ҳақида кўп гапирилади. Халқимизнинг ўлмас қадриятларидан бири эса оила шаънини сақлашдан иборат.



ВАТАН ИЧРА ВАТАННИ АСРАНГ

– Мен хотиним билан ажрашмоқчиман, – дейди ёшгина йигит.

– Нима учун? – сўраймиз ундан.

– Характеримиз тўғри келмади.

– Неча йил бирга яшадингиз?

– Уч йил бўлди.

– Балки келишиб кетарсиз. Яхшилаб ўйлаб кўринг.

– Ҳеч иложи йўқ. Мен бошқага уйландим!

– Хотинингиз-чи?

– У ҳам бошқага тегиб кетди...

Ажабо! Характерлари тўғри келмаслигини нега тўйдан аввал ўйлаб кўришмас экан? Ахир, бир оила бунёд бўлиши учун озмунча ҳаракат қилинадими? Қолаверса, бегуноҳ фарзанд, ота-она, қариндош-уруғ, жамият олдидаги масъулият-чи?

Мулоҳазаларимизни ҳуқуқшунос, Ангрен шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири Дилнавоз Бекматова билан давом эттирамиз.

– Аввало, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Дунёда ҳар нарсанинг ўлчови, мезони бўлади. Яъни, қонунқоидага амал қилиб яшаш ҳаётий мувозанатнинг бузилмаслигини кафолатлайди. Бизнинг вазифамиз эса, фуқаролик ҳолатини қонун йўли билан расмийлаштириш, одамларда ўзига ва атрофидагиларга масъулият ҳиссини кучайтириш, жамият олдидаги бурчини унутмасликни таъминлашдан иборат.

Ёшлар никоҳини қайд этиш, янги туғилган фарзандга гувоҳнома ёзиш бизга қанчалик мамнуният бағишласа, ажрим ҳолатлари, оталикни белгилаш, ёлғиз оналар иложи борича кам бўлса, деймиз.

2007 йил давомида шаҳримизда 1164 та никоҳ қайд этилди. Улардан 850 таси биринчи никоҳ ҳисобланади. Яъни, янги, ёш оила дунёга келди дегани.

– Сизнингча қандай оилалар барқарор бўлади ёки қандай вазиятларда ажралиш юз беради?

– Барқарор, соғлом оилалар жамиятнинг ажралмас бўғини, ҳаракатланувчи кучларидан бири. Зеро, Ватан келажаги, халқ ишончини таъминловчи ёш авлод маънавий-руҳий соғлом, жисмонан бақувват оилаларда тарбияланади, вояга етади. Шу маънода ёшларни никоҳгача тиббий кўрикдан ўтишлари қатъий талаб этилади. Айримлар тиббий кўрикнинг аҳамияти, яқин қариндошуруғлар ўртасидаги никоҳнинг нохуш оқибатлари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди, эътиборсиз қарайди. Натижада носоғлом фарзанд, носоғлом оила вужудга келади. Ажрим ҳолатларининг сабабларидан бири ҳам шу аслида. Шунингдек, бурч ва мажбуриятдан кўра ҳуқуқини кўпроқ талаб қиладиган ёшлар, келин-куёвлар ҳақида ҳам гапирмай илож йўқ. Йигитлик ғурури билан сармаст куёв – муносиб ёр, оқибатли фарзанд, ғамхўр ота бўла олиш кўникмасига эгами? Ёки орзулари бир олам, «Мен бахтли бўлишим керак» дея фақат ўз манфаатини кўзлайдиган, келин бўлиб тушган хонадонининг пасту баландини тушунишни истамайдиган, қайнона-қайнотани ҳурмат қилишни «ор» деб биладиган келинлар «келин»лик бурчини англайдиларми? Ахир оила мустаҳкамлиги ана шу майда-чуйдадек кўринган иллатлардан нураб, емирилиб бормасмикан?! Ёки, аксинча, қайнона-қайноталик бахтига эришган катталаримиз ёшларни қай даражада тушунади, уларни бевақт эсган шамоллардан асрай оладими?

Тўғри, орзу-ҳавасли, болажон халқмиз – бундан фахрланишга ҳақлимиз. Лекин, мол-дунёга ўчлик, манманлик, ўринсиз ғурур, оилавий номутаносиблик қудаандалар орасига совуқчилик солиши ҳам бор гап.

2007 йилда ҳаммаси бўлиб 58 та ажрим ҳолати кузатилган бўлиб, уларнинг 48 таси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида қайд этилди. Баъзан, фарзандсизлик оқибатида ажралишга мажбур бўлганларни тушуниш мумкиндир, лекин фарзанди бўла туриб, уларни ота-она меҳридан жудо қилаётганларни кечириб бўлмайди. Агар енгил-елпи ҳаётга ўрганган фарзанд оиласини сақлай олмас экан, жавобгарлик ҳар икки томонга тушади. Шу ўринда Юртбошимизнинг ёшлар тарбиясига асло лоқайд, бефарқ бўлмаслик, уларни имон-эътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш ҳақидаги фикрларини таъкидламоқчи эдим. Шундагина оталикни белгилаш, ёлғиз онадан туғилган фарзанд деган тушунчалар барҳам топади.

– Дарвоқе, ҳозир оталикни белгилаш, ёлғиз оналар кўпайиб бораётганлиги ҳам сир эмас.

– Бундай муаммоларни бартараф этиш борасида шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, ҳуқуқ-тартибот органлари жиддий шуғулланишмоқда, мутасадди ташкилотларга кескин топшириқлар берилган. Зеро, вояга етмаганлар орасидаги жиноятчилик ҳолатлари ҳам кўпроқ мана шундай носоғлом оилалар муҳитида яшаётган болалар иштирокида содир бўлмоқда. Жамоат ишларида фаол донишманд кексаларимиз, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган тадбирлар ҳам ёшлар тарбиясига қаратилган. Уларнинг мустақил ҳаётга маънавий-руҳий, ақлий-жисмоний жиҳатдан тайёр бўлишлари учун кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли намунали, барқарор оилалар кўпайиб бораётганини ҳам таъкидлаш лозим. Ёшлар тиббий, ҳуқуқий саводхонлик, бурч ва масъулият кўникмаларини шакллантириш мақсадида уюштирилаётган тадбирларда, машғулотларда фаол иштирок этишади.

Хуллас, никоҳдан ўтиш учун ариза бераётган ёшлар доимо бахтли ҳаёт кечириш ниятида даргоҳимизга ташриф буюришади. Улар чеҳрасидаги бахтиёрлик ифодаларини кўриб, дилимиз ёришади: «Опа, ўғил кўрдик, шунга гувоҳнома берсангиз» дейди оталик бахтидан масрур куёв бола бир йил ўтмай.

Мана, ўлкамизга узоқ кутилган фасллар келинчаги – гўзал Баҳор кириб келди. Янгиланиш, яшариш, ёруғлик, эзгулик фасли бу. Ушбу қутлуғ кунлар барчамизга муборак бўлсин. Баҳоримизнинг ҳар бир куни байрамларга, шодиёналарга бой бўлсин. Бахтиёр, барқарор оилаларимиз кўпаяверсин. Озод, эркин халқимиз, мустақил Ватанимиз истиқболи порлоқ бўлаверсин. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, «...оила мустаҳкам бўлсагина давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради».

«Тошкент ҳақиқати» мухбири
Сайёра РИХСИЕВА
суҳбатлашди.

Ҳ ва Аср ДУНЁ

БИРЖАДА «ҚОРА ОЛТИН» БАҲОСИ

НЬЮ-ЙОРК хомашё биржасида ўтказилган сўнгги савдода нефть арзонлашиб, бир барели 99,64 АҚШ долларига баҳоланди. Бу кўрсаткич аввалги савдода қайд этилган нархдан 1,24 доллар кам.

Нью-Йорк хомашё биржасида "қора олтин" нархи 2008 йилнинг 19 февралида рекорд кўрсаткичга – 100,88 долларга чиққан эди. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, нефть нархининг кўтарилишига мамлакатда "қора олтин" маҳсулотларига талаб кун сайин ортаётгани сабаб бўлмоқда.

Маълумотларга қараганда, мамлакатда стратегик нефть захираси 3,2 миллион баррелга, бензин захираси эса 2,3 миллион баррелга кўпайган.

САБАБИ НОМАЪЛУМ ОТИШМА

АҚШнинг Теннесси штатида содир бўлган отишма оқибатида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, йигирма олти ёшли Расти Рамли кўп қаватли тураржой биноси олдида одамларга қарата ўқ узган. Бироздан сўнг жиноятчи ўзини ҳам отиб ўлдирган.

ЎзА.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. ЖИБ Тошкент туман судининг 23.07.2007 йилдаги 308/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "УАЗ-452А" русумли, д/р 11V0738 бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 700 000 сўм; 2. ЖИБ Тошкент туман судининг 17.01.2008 йилдаги 11/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ГАЗ-2401" русумли, д/р 11X1640 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 500 000 сўм; (Сақланаётган манзили: Тошкент тумани, Минвода кўчаси "Кандрат Даевоо" ХК омбори) 3. ЖИБ Тошкент туман судининг 23.11.2007 йилдаги 477/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "AUDI-80" русумли, д/р X176ZLM бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 000 000 сўм; 4. ЖИБ Қибрай туман судининг 18.05.2007 йилдаги 6-890/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Фолсфаген-Пассат" русумли, д/р X414PZM бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 500 000 сўм; 5. ЖИБ Қибрай туман судининг 07.10.2005 йилдаги 1-353/2005-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ГАЗ-53" русумли, д/р X721DAM бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 700 000 сўм; 6. ЖИБ Тошкент туман судининг 09.01.2008 йилдаги 02/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "УАЗ-452" русумли, д/р 11O1620 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 750 000 сўм; (Сақланаётган манзили: Тошкент тумани, Ҳасанбой ш/ҳ, Ҳасанбой 5-тор кўча МЧЖ "Камол-Уматдош" омбори).

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоси 2008 йил 1 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

II. Шунингдек, аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Янгийўл туман судининг 21.01.2008 йилдаги 20/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгийўл туман "Матлуботсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган, "УАЗ-452" русумли, д/р 11Q1865 бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 500 000 сўм.

2. Тошкент вилояти Паркент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 22.11.2006 йилдаги 11-0607/12644-сонли суд буйруғига асосан хатланган, "Паркент ИКМК" ОАЖга тегишли, Паркент тумани Ёшлик қўрғонида жойлашган, 1983 йилда қурилган 2-қаватли умумий майдони 720 кв.м. бўлган маъмурий бино ҳамда 1985 йилда қурилган умумий майдони 781 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехидан иборат бино ва иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 75 381 291 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 8 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Автотранспорт воситалари ва кўчмас мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105.

Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўч., 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

ТАЛАБА НИГОҲИДАГИ ЖАҲОН

Тошкент Давлат аграр университетида талабаларни рағбатлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Куни кеча пойтахтимизнинг зиё масканларидан бири – Тошкент фотосуратлар уйида ташкил қилинган кўргазмага экскурсия уюштирилди.

Кўргазмада «Вьетнам – аждарҳо ва фаришталар мамлакати» мавзусидаги 30 та вьетнамлик фото усталарининг 40 дан зиёд асарлари намойиш этилди. Шунингдек, замонавий япон фотосуратчиларининг «Замонавий жаҳонга назар: Япон фотографияси 1970 йиллардан бугунги кунимизгача» мавзусидаги кўргазмасида Япония жамияти, табиат манзаралари ва иқтисодий ўзгаришларини акс эттирган фотосуратлар жой олган.

Уларда Ўзбекистон, Вьетнам, Япон халқлари турмуш тарзидаги ўхшашликлар кўзга ташланади.

Бундай кўргазмалардаги асарлар билан танишиш ёшларнинг умуминсоний қадриятлар, гўзалликнинг мазмун-моҳияти тўғрисидаги тушунчаларини, ҳис-туйғуларини бойитади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Қурилиш ташкилотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар раҳбарлари ва тадбиркорлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг

Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси

Шартнома асосида бинолар ва иншоотларнинг техник аҳволини уларни тиклаш ёки реконструкция қилиш мақсадида текширади ва хулосалар бериш ишларини амалга оширади.

Инспекция ҳузуридаги Қурилиш материалларини сертификатлаш идораси ва уларни синаш лабораторияси тасдиқланган аккредитация доирасига биноан қурилиш материалларини сертификатлаш ва синаш ишларини ўтказади.

Синаш лабораторияси синов ишларини бевосита қурилиш объектларида ҳам бажариш имкониятига эга.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7-уй.
Телефонлар: 142-40-25, 142-02-64. Факс: 142-37-10, 142-02-43.
Электрон манзил: gasn.os@sarkor.uz

Хизматлар лицензияланган.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш ҳақидаги тартиби" Р-2146-сонли Фармойишига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот таҳлил департаментининг 2007 йил 22 сентябрдаги 07-15-19-сонли хатига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимига

ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Қибрай тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи	Тошкент вилояти, Қибрай тумани Тўқайтепа қўрғони, Алишеробод маҳалласи, 6-уй. Инд. 702166
2.	Янгийўл тумани, Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани Гулбаҳор қўрғони, Ш. Рашидов кўчаси, 6-уй. Инд.702842

II. Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагогик иш стажига эга бўлган, таянч маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

таълим муассасаси директорининг ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:

1. Олмалиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик КҲК;
2. Оққўрғон қишлоқ хўжалик КҲК;
3. Пскент агросаноат ва иқтисодиёт КҲК;
4. Ўртачирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт КҲК;
5. Қибрай молия-иқтисодиёт КҲК;
6. Паркент тадбиркорлик КҲК;
7. Тошкент тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги КҲК;
8. Ўртачирчиқ саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи;
9. Оққўрғон агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи;
10. Зангиота озиқ-овқат касб-ҳунар коллежи;
11. Пскент тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи;
12. Паркент транспорт ва сервис КҲК;
13. Ангрен иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи;
14. Янгийўл тумани педагогика коллежи;
15. Оҳангарон тумани транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи;
16. Қуйичирчиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи.

2. Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:

1. Пскент агросаноат ва иқтисодиёт КҲК;
2. Янгийўл Гулбаҳор саноат КҲК;
3. Тошкент тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги КҲК;
4. Ўртачирчиқ саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи;
5. Оққўрғон агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи;
6. Зангиота озиқ-овқат касб-ҳунар коллежи;
7. Пскент тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи;
8. Паркент транспорт ва сервис КҲК;
9. Ангрен иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи;
10. Янгийўл тумани педагогика коллежи;
11. Оҳангарон тумани транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи;
12. Оҳангарон тумани транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи;
13. Бекобод қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик КҲК;
14. Зангиота озиқ-овқат касб-ҳунар коллежи;
15. Қуйичирчиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи;
16. Пскент тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи;
17. Ўртачирчиқ саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи;
18. Ангрен иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи;
19. Паркент транспорт ва сервис КҲК.

III. Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Шаҳар (туман) ҳокимлигининг тавсияномаси (директор лавозимига номзодлар учун);
3. Таълим муассасаси директорининг тавсияномаси (директор ўринбосари лавозимига номзодлар учун);
4. Сўровнома;
5. Таржимаи ҳол;
6. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеронусхаси;
7. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксеронусхаси (мавжуд бўлса);
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
9. 4х6 ўлчамдаги фотосурат (6 дона);
10. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режаси (концепция);
11. Ҳарбий гувоҳноманинг ксеронусхаси;
12. Паспорт ва унинг ксеронусхаси (тураржойи билан);
13. Меҳнат дафтарчанинг ксеронусхаси.
14. Олдинги ёки ҳозирда ишлаб турган иш жойидан тавсифнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика қўрғони. Телефон: 150-18-66.

Спорт ... Спорт ... Спорт

«ОТМК» – БИРИНЧИ ТУР «ЧЕМПИОНИ»

Футбол бўйича XVII миллий чемпионатга баҳорнинг илк кунларида старт берилди. Ҳар йилгидан кўра жамоалар бу мавсумни ўзгача руҳ билан бошлашгани биринчи тур учрашувларида яққол сезилди.

Вилоятимиз вакилларидан бири «ОТМК» ўз майдонида «Шўртан» жамоасини қабул қилиб, илк жадвалнинг карвонбошисига айланди. Олмаликликларнинг ўйин бошидан кетма-кет уюштирган ҳужумлари «Шўртан» ҳимоячиларини қийин аҳволга солиб қўйди. Бундай ҳаракатлар биринчи бўлимнинг ўрталарига келганда ўз самарасини берди. Рақиблар томонидан жарима майдончасида ўйин қоидаси бузилди ва бу ҳакамнинг ўн бир метрлик жарима тўпи белгилаши билан жазоланди. Пеналтини Александр Дидников аниқ бажариб, ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Бўлимга қўшиб берилган дақиқаларнинг дастлабкисида кончилар ҳисобни 2:0 га етказдилар. Бу голга Константин Канин муаллифлик қилди.

Иккинчи бўлимда ўйин бироз тенглашгандек бўлди. Аммо 88-дақиқада Бахтиёр Тоғаевнинг дарвозага йўллаган тўпи таблога яна ўзгартириш киритди – 3:0. Бу ҳисоб «ОТМК» чемпионат жадвалининг биринчи поғонасидан ўрин олишини таъминлади.

«Андижон» меҳмони бўлган «Металлург» ўйинда муҳим бурилиш ясай олмади. Биринчи бўлимда ҳисобни ушлаб турган вакилларимиз иккинчи бўлимга келиб, дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолишга ожизлик қилишди. Бекободликлар 2:0 ҳисобида мағлуб бўлишди.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан якунланди.

«Қурувчи» – «Навбаҳор» – 1:0, «Қизилқум» – «Машъал» – 0:0, «Бухоро» – «Локомотив» – 0:0, «Насаф» – «Динамо» – 1:0, «Сўғдиёна» – «ЎзДонгЖу» – 1:1, «Пахтакор» – «Нефтчи» – 2:0.

Иккинчи тур учрашувлари 6-7 март кунлари бўлиб ўтади. «Металлург» ўз майдонида «Қизилқум»ни қабул қилса, «ОТМК» жамоаси «Машъал» меҳмони бўлади.

Камолиддин АСҚАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

МАЙДОНДА – ЭПЧИЛ ВА АБЖИРЛАР

Шу кунларда барча туман ва шаҳарларда спортнинг қатор турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтмоқда.

Тошкент туманининг 9-мактабида ўтган биринчиликда ўсмир ва қизлар баскетбол тури бўйича мусобақалашдилар. Қизлар жамоалари ўртасидаги беллашувда 8-мактаб жамоаси ғолибликни қўлга киритишди. 2-ўрин 18-, 3-ўрин 23-мактаб вакиллариga насиб этди. Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда 9-мактаб жамоаси 1-ўрин, 18- ҳамда 19-мактаб ўқувчилари кейинги совринли ўринларни эгаллашди. Мусобақа ғолиблари дипломлар билан тақдирланди.

Ҳуррият МЎМИНОВА.

ЙЎЛЛАНМА НАҚД

Ўртачирчиқ туманида «Қувноқ стартлар» мусобақаларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Бўстонлиқ туманининг «Лочин» ҳамда Бўка туманининг «Ёшлик» жамоалари ўзаро беллашдилар.

Қизиқарли финал мусобақасида бўкаликлар ғолиб бўлишди. Уларга республика финал мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланма топширилди.

Феруза ТЎРАЕВА.

Маънавият

«НЕВАРАМ ҲАҚИҚАТНИ АНГЛАБ ҚОЛИШИДАН ҚЎРҚАМАН...»

Қаровсиз қолгач, болаларнинг каттаси қўшниларнинг уйига кириб пул ва қўлга илинган нарсаларни ўмарадиган одат чиқарди. Уларни дуч келган кишига пуллади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмаёқ, ўғрилик фош бўлди. Бу дилхиралик жуда қимматга тушди. Она ёки ота уйда бўлганида эди, балки шундай воқеа бўлмасмиди? Энди вояга етаётган ўғил қўни-қўшни ўртасида «қўли эгри» деган хунук ном орттирди.

* * *

Яна бир оилада бойликка ружу қўйишнинг оқибатида норасида гўдак тирик етим бўлиб қолди.

...Малика опа қизини сўраб-суриштириб, кейин узатган эди. Нима учундир бир ярим йил ҳам ўтмай, ажратиб олиш пайига тушиб қолди.

Нима эмиш, қизининг қорни овқатга тўймас эмиш... Ажратиб олмаса, умрбод хор-зор бўлиб ўтармиш.

Бу ёш оилани сақлаб қолиш учун кўпни кўрган кексалар, маҳалла фаоллари орага тушишди. Қизнинг онаси Малика опани ўртага олишди:

– Ундай қилманг. Беш қўл баробар эмас, ахир. Куёвингиз Адҳамжон тилло йигит. Ҳозир оч қоладиган замон эмас. Қоларверса, қизингиз тушган хонадонда ҳамма эркаклар ҳалол меҳнат қилишади. Сизнинг таънангиз зиёли хонадон аъзолари шаънига муносиб эмас. Ўйнаб гапирсангиз ҳам, ўйлаб гапиринг.

Малика опа уйда «ҳукми»ни ўтказадиган аёллар хилидан бўлганлиги боис, кексаларнинг гапини индамай эшитди-ю, ўз режасидан қайтмади. Кўнглидан шундай гаплар ўтди: «Кунора қизим оч қоларверса, қурумсоқлар буни ўйлашмаса, қўл билан берганга, қуш тўймас, деганларидек, қачонгача мен уйдан озиқ-овқат ташиб юраман. Битта боласи билан ҳозир ажратиб олмасам, кейин учта-тўртта бўлганда қаёққа сиғдираман. Насиҳат беришдан осони борми? Ундан кўра, қурумсоқ куёвимга насиҳат қилишса дуруст эди...».

Рост. Малика опанинг хонадонида пул ҳам, бойлик ҳам етарли. Ҳашаматли уй-жой, егуликларнику айтмаса ҳам бўлади. Икки ўғил ва уйнинг эркаги бўлмиш Мадиёр ака тижорат билан шаҳармашаҳар юриб, катта-катта пул топади. Рўзғор ҳам шунга яраша. Лекин яккаюягона қизининг бахти-чи...

Малика опа айтганини қилди. Қизини ширингина ўғли билан ажратиб, уйига олиб келди.

Орадан икки йил ўтар-ўтмас, Зумрад бошқа бир бадавлат оилага ўғилчаси билан узатилди.

Иттифоқо, бир куни Малика опа қўшнисига ёрилди:

– Опажон, қизимни олдинги турмушидан ажратиб, номаъқул иш қилган эканман. Қорни тўймагани ҳам ҳолва экан, ҳар ҳолда кўз очиб кўрганидан калтак емас эди. Норасида боласи – неварамни айтмайсизми, увол бўлди. Янги куёвим болани чиқиштирмаяпти: «Бу менинг зурриёдим эмас, йўқот кўзимдан. Ўз отасига бериб юбор, йўқ десанг, ўзинг ҳам керак эмассан» дермиш. Энди нима қиламан? Бошим гаранг. Неварам уйимда. Ҳар куни гоҳ отам, гоҳ онам деб хархаша қилади. «Отанг хизматда, келиб қолади» деб алдайман. Онам деб йиғласа, қизимнинг йўлини пойлаб, ҳалак бўламан. Назаримда, неварам улғайган сари ҳамма гапдан хабардор бўлиб, мени ёмон кўриб қоладиганга ўхшайди.

– Қизингизни биринчи турмушидан бекор ажратдингиз. Энди ўзингиз пиширган ошни айланиб ҳам, ўргилиб ҳам еяверасиз, – деди қўшни фурсат келганидан фойдаланиб.

Малика опа оғиз очиб бир нима деёлмади. Ўртада фарзанд сарсон бўлиб қолгани эса, манманлик, такаббурликнинг аччиқ меваси эди.

Ҳалол маош билан кун кечираётган оилаларда ҳеч кимга вафо қилмаган мол-дунё, беҳисоб бойликлардан минг чандон афзал – соғлом муҳит ҳукмрон эмасми?..

Лутфинисо ОДИЛОВА.

МЕНДА БИР...

Ҳажвия

Қўнғироқ товушидан чўчиб кетган котиба дик этиб ўрнидан турди-да, эшикни аста очиб раҳбарнинг ҳузурида пайдо бўлди.

– Намунахон, бугун ҳамма ходимлар ўз ўринларидами?

– Ҳа, Бердивой ака.

– Ундай бўлса, соат ўн биру нол-нолда ҳаммани шу ерга йиғинг.

– Хўп бўлади.

Котиба қиз бир зумда ҳаммани йиғилишдан хабардор қилди.

– Бугун сизларни йиғишдан мақсад битта. Хўш, гап шундаки, ҳаммангизга маълум, неча йилдан бери ташкилий ишлар билан шуғулланадиган, гапга чечан, ушлаган еридан узиб оладиган, оёқ-қўли чаққон йигит бўлса, деб юрар эдик. Шундай йигитни топдик. Уни таништириб қўйиш учун сизларни йиғдим. Исмлари ҳам ишларига мос – Қиличбек. Муаммоларни шартташтартта ҳал қилиб ташлайдилар. Ана энди кимнинг ташкилий иши бўлса, Қиличбекка мурожаат қилиши мумкин. Ҳаммангизга рухсат, яқиндан танишиш иш жараёнида давом этаверади. Қиличбек сиз қолинг, маслаҳатли иш бор...

– Қани ўтирингчи. Хўш, окоси, жамоамиз сизга маъқулми?

– Раҳмат, хўжайин. Сиз айтгандай, яқиндан танишиш иш мобайнида бўлаверади-да.

– Гап бундай, йигит. Бу жойга кўз тикканлар жуда кўп эди. Сизга насиб этди. Буни ниш онлаш керак. Жамоамиз у қадар катта эмас, буни кўрдингиз. Тушлик вақти ҳам бўлиб қолди. Ўн-ўн беш кишилик чой ташкил қилсангиз. Менда бир шиша тозасидан бор. Қолгани ўзингизга боғлиқ. Нимани лозим кўрсангиз, шу-де...

Қиличбек "Хўп бўлади, тушундим" деди-да ташқарига чиқди. Котиба қизга юзланиб:

– Ҳеч ким тушликка чиқмасин, мен бир соатга қолмай келаман. Бугун тушлик менинг ҳисобимдан, – деди-ю, йўлга тушди.

Бозорга бориб, сара мева-чева, қанд-қурс, ширмой нон ҳамда бир тоғора кокилдек тўғралган норин олдида, ишхонага ошиқди. Зиёфат барчага манзур бўлди. Ҳамма Қиличбекка омад тилади. Қиличбек ишлари юришиб бораётганидан анча мамнун эди.

Бир куни уни хўжайин чақиртирди.

– Хўш, ука, ишлар яхшими, ҳаммаси жойидами?

– Ҳа, раҳмат.

– Сал кундан кейин байрам. Бундан хабарингиз бор, албатта.

– Ҳа, шундай.

– Кичикроқ бир стол тузасак. Менда бир шиша қўлбола вино бор. Қолган қисмини ўзингиз ташкиллаштириб юборсангиз. Нима дейсиз?

– Бўлди, хўжайин, буёғидан хавотир олманг. Қойил қиламиз.

Бу тадбир ҳам жуда зўр ўтди. Ҳамманинг оғзида «Қиличбек заб тадбиркор йигит эканми», деган сўз. Қиличбекнинг уйида эса ҳар куни жанжал. Хотининнинг оғзидан бир гап тушмайди. Нима эмиш, ҳамма уйим-жойим, болам-чақам, деб топганини уйга ташиса, бу кишим ишончга кириб олай, деб кўчага совурадилар.

Бир куни бошлиқ билан Қиличбек йўлакда рўбарў келишди.

– Қабулхонадаги табрикни ўқидингизми? – сўради бошлиқ.

– Ҳа, кўзим тушди.

– Пошшахон бизнинг энг эътиборли ходимларимиздан. Қанчадан-қанча жойлардан таклифлар бўлганда ҳам «шу жойдан нафақага чиқаман, ундан кейин ҳам ишлайвераман» деб фидойилик қилмоқда. Шу аёлнинг ҳам сазаси ўлмасин. Кичикроқ бир совға олсак, кейин бир пиёла чойни... Нима дейсиз? Тунов куни бир дўстим хориждан келувди. Шишаси алламбало бир ичимлик ташлаб кетган.

– Хўп бўлади, хўжайин. Тушундим. Бажарамиз, – деди-ю, хаёли қочди. Уйда яна бир машмаша бошланиши аниқ.

Қиличбек хонасида бошини икки қўли билан чангаллаб ўтираркан, эшик очилиб, котиба қизнинг сертабассум чехраси кўринди.

– Сизни бошлиқ йўқлаяптилар.

– Тинчликми, ишқилиб?...

– Ассалому алайкум! Хўжайин, йўқлаган экансиз.

– Келинг, Қиличбек. Мен айтмасам ҳам ўзингиз ишни бошлаб юборгандирсиз дедим-у, яна бир суриштирай, деб чақиртиргандим.

– Нима гап, Бердивой ака?

– Ана, холос, эсингиздан чиқдими? Ахир, аёллар байрами-ку!

– Ҳа, дарвоқе, ёддан кўтарилаёзибди.

– Ия, ахир жамиятимизни, оиламизни аёлларсиз тасаввур қилиб бўлмайди-ку! Шундай байрамни эсдан чиқариш... Мен тушунмадим. Хуллас, аёлларга кўнгилдагидек совғалар, албатта, гули билан, ташкил қиласиз. Кейин қуруқ бўлмасин, ихчамроқ бир дастурхон атрофида суҳбат қурсак, ёмон бўлмасди. Менда совғага келган бир шиша "Мона Лиза" деган жуда бошқача ичимлик бор. Қолганини ўзингиз... Сизга нима бўлди, Қиличбек?

– Ҳалиги, сал тобим йўқроқми дейман. Сиз хавотир олманг, хўжайин. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади.

Байрам тадбири ҳамма ҳавас қилгудек ўтди. Орадан сал кун ўтмай, Қиличбек бошлиқ қабулига кирди.

– Бир таклиф бор эди. Шу десангиз, эртага жамоа билан бирга тушлик қилсак.

– Нишонлайдиган бирор иш борми дейман-а?

– Шундай десак ҳам бўлаверади. Эртага таваллуд куним. Шунга...

– Бўлди, бўлди, Қиличбек. Ҳаммаси тушунарли. Демак, зиёфат денг. Ундай бўлса, менда...

– Агар хўп десангиз, бу сафар ўша битта шишани ҳам ўзим...

– Ҳа, баракалла йигит, мана бу бошқа гап. Бирбиримизни энди тушуна бошладик чоғи. Майли, нима ҳам дердик. Демак, эртага тушликда биргамиз.

Эртасига бошлиқ ишхонага анча эрта келди.

– Намунахон, кимлар келган?

– Ҳозирча, Қиличбек ака келганлар. Айтганча, столингиз устига узун бўйли қутича қўйиб, чиқиб кетдилар.

– Бу Қиличбек дегани жуда чаққон чиқди-да. Нима экан у қутича?

Бошлиқ баланд бўйли қутича устидаги ёзувни товуш чиқармай ўқиди: "Доброя". Қутича тагидаги оқ қоғозга кўз югуртирди. «Ариза... Мени ўз хоҳишимга кўра ишдан...».

Асрор СУЛАЙМОНОВ.

2008 йил 3 январдаги № 1811-реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "MOUHTIN HERBS" (СТИР 300668648) масъулияти чекланган жамияти номи Қибрай тумани статистика бўлими хатоси туфайли "MOUNTAIN HERBS"га ўзгартирилиб, қайта рўйхатдан ўтишини маълум қилади.

Шайхонтоҳур туманидаги транспорт касб-ҳунар коллежи томонидан 2002 йил 25 июнда Джамалов Музаффар Туйғунович номига берилган КНМ № 045362 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Паркент туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1993-1994 ўқув йилида Тожибоева Маъмура Арсланбаевна номига берилган № 001693 рақамли имтиёзли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Қишлоқ қурилиш" ОАЖ тасарруфидаги Бўстонлиқ туманида жойлашган "Паргос" шўъба корхонасига (КТУТ 17780703) 2000 йил 29 майда № 28 реестр рақами билан қайд этилган давлат ордери ҳамда Статистика бошқармаси томонидан 2000 йил 31 майда берилган 2261 рақамли давлат реестрига киритилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шундан кейин

САММИТНИНГ МАҚСАДИ

Июль ойида Японияда бўлажак "Катта саккизлик" саммити доирасида глобал исишга қарши курашга бағишланган конференция ўтказилади.

Маълумотларга қараганда, анжуманда ҳавога табиий мувозанатни бузадиган газларни энг кўп чиқараётган ўн олти мамлакат раҳбарлари иштирок этади. Улар орасида "Катта саккизлик" давлатларидан ташқари Австралия, Бразилия, Жанубий Африка Республикаси, Мексика, Хитой, Ҳиндистон, Индонезия ва Жанубий Корея бор.

Хабарларга кўра, конференцияда ҳавога чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини камайтиришга қаратилган ҳужжат ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. У 2012 йилда, Киото протоколининг муддати тугагач, кучга киради. Мутахассислар инсон саломатлигига зиён етказувчи, атроф-муҳитни заҳарловчи газлар ҳажмини эллик фоизгача қисқартириш зарурлигини таъкидлашмоқда.

МУҲИМ ИХТИРО

Италиялик олимлар янги шамол турбинасини яратдилар, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Маълумотларга кўра, "Торнадо лайк" турбинаси ҳатто енгил шамол эсганда ҳам соатига саккиз киловатт энергия ишлаб чиқаришга қодир.

Олимларнинг сўзларига кўра, янги турбина ихчамлиги билан бошқа "шамол тегирмонлари"дан ажралиб туради. Узунлиги олти, эни уч метрни ташкил этадиган бу қурилмани исталган жойга ўрнатиш мумкин.

МУЗЕЙ УЧУН ТУҲФА

Санъат асарлари савдоси билан шуғулланувчи британиялик 68 ёшли Энтони Доффэй шахсий тўпламини мамлакат музейларига топширишга қарор қилди.

Хабарларга қараганда, Э. Доффей етти юздан зиёд расм, ҳайкал ва фотосуратни ўттиз йил мобайнида тўплаган. Тўплам 250 миллион АҚШ долларига баҳоланмоқда.

Тейт галереяси директори Николас Сиротанинг таъкидлашича, кекса Энтони ўз туҳфаси билан мамлакат музейлари хазинасининг бойишига катта ҳисса қўшади.

ЎзА.

СКАНВОРД



Тузувчи: Файзулла АБДУЛЛАЕВ.

Ҳурматли Тошкент вилояти аҳолиси ва меҳмонлари!

Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасининг "Ишонч телефонлари"га мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат этган шахс исм-шарифининг сир сақланиши кафолатланади.

Ишонч телефонлари рақами:
264-18-32, 264-78-76

Маҳсулот сертификатланган
предприятие UZBEKKAL PRODUCTION Совместное
Урта Осиёда йирик чиқарувчилардан бири
ПЛАСТМАСС БОЧКАЛАРИ
Европа стандарти
ЧП Dadabaev X.B.
Тошкент ш., Афросиёб проспекти 12, Сайт: www.uzbp.uz e-mail:uzpb@mail.ru
Тел./факс:(99871) 252-56-01, 252-74-14

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 233-90-82, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-240. Адади 11524. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.15. 1 2 3 4 5 6 7 8